

---

## ШАҲАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТАСДИҚЛАНДИ Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашининг навбатдаги 67- сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қувасой шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудирлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлиги бўлим ва бошқарма бошлиқлари, сиёсий партиялар раҳбарлари, нодавлат-нотижорат, иқтисодий-ижтимоий ва капитал қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимининг барча раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияга халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими А.Т.Зиявитдинов раислик қилди.

Иштирокчилар дастлаб 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришдаги эркинликлар, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларни белгилаш, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари, шунингдек, 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари Баҳордир Холиқовнинг маърузаси тингланди.

Маъруза юзасидан музокараларда АТ “Ҳамкорбанк” шаҳар филиали бошқарувчиси Фарҳод Максудов, шаҳар молия бўлими бошлиғи Тўлқин Мамасиддиқов, “Нуроний” жамғармаси шаҳар Кенгаши фаоли Тоҳиржон Ўринов ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси шаҳар Кенгаши раиси Бахтиёр Усмоновлар сўзга чиқишди ва ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини ўртага ташлашди.

Сессия кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Унинг якунида 2014-2019 йиллар давомида халқ вакили сифатида шаҳар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётининг юксалишида алоҳида ўрнатган бир гуруҳ депутатлар шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Сессияда вилоят ҳокими ўринбосари Дилшод Ҳожиаҳмедов ва вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Юнус Насимджановлар иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

**Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2019-12-20 09:28:42